

“AGRO FINANS LIZING” АЖ
акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши
Б А Ё Н Н О М А С И

Йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20А-мавзе, 9-уй.

Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 2022 йил 21 июнь, соат 11-00.

Йиғилиш тури: Навбатдаги йиллик.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши Кузатув кенгашининг 2022 йил 23 майдаги йиғилиш қарорига асосан чақирилган.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
акциядорларга маълумот етказиш:

2022 йил 31 майдаги “Биржа” иқтисодий газетасининг 40(2923)-сонида тегишли ахборот эълон қилинган.

Жамият томонидан чиқарилган жами акциялар сони 267 400 000 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Йиғилишга қатнашганлар:

1. “Агробанк” АТБ вакили банкнинг Корпоратив бошқарув хизмати бошқармаси бошлиғи Ш.Т.Очилов 1 173 000 та овоз билан (2022 йил 9 июндаги 9-сонли ишончнома);

2. “Leader Finance” МЧЖ вакили жамият ички назоратчиси А.И.Исрофилов 266 215 500 та овоз билан (2022 йил 20 июндаги 145/06-сонли ишончнома).

Йиғилиш кворуми 99,99 фоизни ташкил қилади.

Таклиф этилганлар:

Жамият Кузатув кенгаши раиси	Э.А.Кахоров
Жамият Бошқарув раиси	Н.И.Бегматов
Жамият бош ҳисобчиси	Ш.Н.Бобомуродов
Жамият бош ҳисобчи ўринбосари	Н.А.Умбетова
Жамият ҳуқуқшуноси	Д.Д.Примов
Жамият ходимлар бўйича бош мутахассиси	Б.Ф.Мухамадиев
Жамият сервис бўйича мутахассиси	М.М.Жумаев

Йиғилишни жамият Кузатув кенгаши раиси Э.А.Кахоров олиб борди ва йиғилишда қуйидаги тартибда овоз беришни таклиф қилди:

- йиғилиш ишчи органи (Президиум ва котиби), регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш - очик овоз бериш йўли билан;

- йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар бўйича - ёпик овоз бериш йўли билан (овоз бериш бюллетенлари орқали).

Таклиф овозга қўйилди.

Таклиф очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Жамият Кузатув кенгаши раиси Э.А.Кахоров умумий йиғилишни қонун доирасида олиб бориш учун умумий йиғилиш Президиуми, раиси ва котибини сайлаш учун номзодларни кўрсатишни таклиф этди.

Жамият бош ҳисобчиси Ш.Н.Бобомуродов сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни умумий йиғилиш Президиумига, йиғилиш раислиги ва котиблигига сайлашни таклиф қилди.

- йиғилиш Президиуми:

1. Э.А.Кахоров - жамият Кузатув кенгаши раиси, “Агробанк” АТБ Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари в.б.;

2. Ш.Т.Очилов - жамият Кузатув кенгаши аъзоси, банкнинг Корпоратив бошқарув хизмати бошқармаси бошлиги.

- йиғилиш раиси - Э.А.Кахоров;
- йиғилиш котиби - Н.А.Умбетова.

Очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан қуйидагилар сайланди:

- йиғилиш Президиуми - Э.А.Кахоров, Ш.Т.Очилов;
- йиғилиш раиси - Э.А.Кахоров;
- йиғилиш котиби - Н.А.Умбетова.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Э.А.Кахоров акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси: Э.А.Кахоров - жамият Кузатув кенгаши раиси.

Йиғилиш котиби: Н.А.Умбетова - бош ҳисобчи ўринбосари.

Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш бўйича йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чиқиб, санок комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни таклиф қилди:

- Примов Дилшод Давронович - жамият ҳуқуқшуноси.
- Мухамадиев Бехзод Фарходович - жамият ходимлар бўйича бош мутахассиси.
- Жумаев Мансур Муродуллаевич - жамият сервис бўйича мутахассиси.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди ва очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан сайланди.

Умумий йиғилиш қарор қилади:

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши санок комиссияси таркибига қуйидагилар тасдиқлансин:

- **Примов Дилшод Давронович - Жамият ҳуқуқшуноси.**
- **Мухамадиев Бехзод Фарходович - Жамият ходимлар бўйича бош мутахассиси.**
- **Жумаев Мансур Муродуллаевич - Жамият сервис бўйича мутахассиси.**

Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига катнашиш учун рўйхатдан ўтган акциядорларни жамлаш натижалари ва йиғилиш қворумини аниқлаш учун йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзни санок комиссияси раиси Д.Д.Примовга берди.

Санок комиссияси раиси Д.Д.Примов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига асосан агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (қворумга эга) бўлишини эслатиб ўтди. Шунга асосан йиғилишда жами 267 388 500 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 2 та акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлигини ва йиғилиш қворуми 99,99 фоизни ташкил қилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгаши томонидан тайёрланган ва 2022 йил 31 майдаги “Биржа” иқтисодий газетасининг 40(2923)-сонида эълон қилинган йиғилиш кун тартибини ўқиб эшиттирди.

К У Н Т А Р Т И Б И:

- 1.Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.
- 2.Жамият Бошқарув раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
- 3.Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан МЧЖ шаклидаги “ХВ FINANCE CONSULTING” аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.

4.Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини эшитиш.

5.Жамиятнинг 2021 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш.

6.2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш, акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.

7.Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига 2021 йил фаолияти учун моддий рағбатлантириш миқдорини тасдиқлаш.

8.Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

9.Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

10.Жиззах вилояти, Зомин туманида барпо этилган интенсив боғ ва павловния плонтациясини тадбиркорларга лизинга бериш, олди-сотди шартномаси асосида сотиш тўғрисида.

11.Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

12.Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чиқиб, акциядорларни йиғилиш регламенти билан таништирди.

Йиғилиш Регламенти:

1.Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш. **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 5 дақиқа;**

2.Жамият Бошқарув раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш. **(Маърузачи: Жамият Бошқарув раиси - Н.И.Бегматов) 10 дақиқа;**

3.Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан МЧЖ шаклидаги “ХВ FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш. **(Маърузачи: Жамият бош ҳисобчиси - Ш.Н.Бобомуродов) 10 дақиқа;**

4.Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини эшитиш. **(Маърузачи: Жамият бош ҳисобчиси - Ш.Н.Бобомуродов) 10 дақиқа;**

5.Жамиятнинг 2021 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш. **(Маърузачи: Жамият бош ҳисобчиси - Ш.Н.Бобомуродов) 10 дақиқа;**

6.2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш, акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш. **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 5 дақиқа;**

7.Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига 2021 йил фаолияти учун моддий рағбатлантириш миқдорини тасдиқлаш. **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 5 дақиқа;**

8.Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш. **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 5 дақиқа;**

9.Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш. **(Маърузачи: Йиғилиш раиси) 5 дақиқа;**

10.Жиззах вилояти, Зомин туманида барпо этилган интенсив боғ ва павловния плонтациясини тадбиркорларга лизинга бериш, олди-сотди шартномаси асосида сотиш тўғрисида. **(Маърузачи: Жамият Бошқарув раиси - Н.И.Бегматов) 5 дақиқа;**

11.Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш. **(Маърузачи: Жамият Бошқарув раиси - Н.И.Бегматов) 5 дақиқа;**

12.Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш. **(Маърузачи: Жамият Бошқарув раиси - Н.И.Бегматов) 5 дақиқа.**

- Мунозаралар учун - 5 дақиқа;
- Маълумотлар ва саволларга жавоб бериш учун - 5 дақиқа;
- Овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 5 дақиқа.

Йиғилишни 1 соат 35 дақиқа давомида, яъни соат 12-35га қадар танаффуссиз тугатишни таклиф қилди.

Йиғилиш регламенти очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

1. Кун тартибидаги биринчи масала (*Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш*) бўйича жамият Кузатув кенгаши раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи эшитилди. (Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи илова қилинади).

Кузатув кенгашининг йил давомида бўлиб ўтган йиғилишлари билан қисқача таништирди. Кузатув кенгаши раиси Э.А.Кахоров 2021 молия-хўжалик йилида ўтказилган йиғилишлар ва Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган масалалар тўғрисида қабул қилинган қарорлар юзасидан акциядорларни хабардор қилди.

Маъруза юзасидан саволлар ва қўшимчалар бўлмади. Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи қониқарли деб маъқулланди ва акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилинди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала (*Жамият Бошқарув раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш*) юзасидан жамият Бошқарув раиси Н.И.Бегматов сўзга чиқиб, 2021 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. (Жамият Бошқарув раиси Н.И.Бегматовнинг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи илова қилинади).

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Э.А.Кахоров жамият Бошқарув раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

3. Кун тартибидаги учинчи масала (*Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан МЧЖ шаклидаги “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш*) бўйича жамият бош ҳисобчиси Ш.Н.Бобомуродов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини МЧЖ шаклидаги “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви ўтказилганлигини ва аудиторлик текшируви натижаси бўйича 2022 йил 5 майда мустақил аудиторлик хулосаси берилганлигини маълум қилди ва йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижаси юзасидан МЧЖ шаклидаги “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилотининг хулосасини ўқиб эшиттирди.

Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини ўтказилган аудиторлик текшируви натижаси бўйича МЧЖ шаклидаги “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулосасида жамиятнинг молиявий ҳисоботлари “AGRO FINANS LIZING” АЖнинг 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугатилган йил мобайнида унинг молиявий ҳолатини ва молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ тўғри акс эттирилганлиги кўрсатилган.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан МЧЖ шаклидаги “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

4. Кун тартибдаги тўртинчи масала (*Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини эшитиш*) бўйича жамият бош ҳисобчиси Ш.Н.Бобомуродов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига “AGRO FINANS LIZING” АЖнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини ўтказилган текшириш натижаси бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди. (Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосаси илова қилинади).

Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини ўтказилган текшириш натижаси бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосасида жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий хўжалик фаолияти юзасидан тузилган ҳисоботи, унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттириши кўрсатилган.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосасини маълумот учун қабул қилишини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

5. Кун тартибдаги бешинчи масала (*Жамиятнинг 2021 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварагини тасдиқлаш*) бўйича жамият бош ҳисобчиси Ш.Н.Бобомуродов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини жамиятнинг 2021 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисобварағи билан таништирди.

Жамият асосий воситалари 2022 йил 1 январь ҳолатига 65 548 310,0 минг сўмни, эскириш суммаси 5 787 428,0 минг сўмни, қолдиқ қиймати 59 760 882,0 минг сўмни ташкил этган.

Жамият балансида АТБ “Агробанк”нинг 116 800,0 минг сўмлик акциялари мавжуд. Шунингдек, “Пахта Лизинг Сервис Маркази” МЧЖ устав фондидаги 40 000,0 минг сўмлик улуши ҳамда “Fermer Maktabi” МЧЖнинг устав фондидаги 9 091 868,0 минг сўм улуши мавжуд.

2022 йил 1 январь ҳолатида бухгалтерия баланси бўйича капитал қўйилмалар 43 883 414,0 минг сўмни ва узок муддатли дебиторлик қарзлари 9 473 067,0 минг сўмни ташкил қилади.

2022 йил 1 январь ҳолатига жамият товар моддий захиралари 51 797 821,0 минг сўмни ташкил этган. Шундан:

- ишлаб чиқариш захиралари - 21 625 477,0 минг сўмни;

- товар моддий захиралари - 26 101 231,0 минг сўмни ташкил этган.

Ҳисобот даврида жами дебиторлик қарзлар 38 018 642,0 минг сўмни, шундан харидор ва буюртмачилардан 1 925 142,0 минг сўмни ташкил этган.

2022 йил 1 январь ҳолатига жамиятнинг ҳисоб рақамдаги пул маблағлари жами 29 423 854,0 минг сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари, 2022 йил 1 январь ҳолатига “Берилган қисқа муддатли қарзлар” ҳисобида 65 479 406,0 минг сўм қолдиқ мавжуд.

2022 йил 1 январь ҳолатига жамиятнинг устав фонди 267 400 000,0 минг сўми ташкил қилади.

Ҳисобот даврида жами кредиторлик қарзлари 32 400 963,0 минг сўми ташкил этган.

Жамиятнинг 2020 йил 1 январь ҳолатига таъсисчилардан қарзи 30 000 000,0 минг сўми ташкил этади. Бу қарздорлик "Leader Finance" МЧЖ томонидан жамиятнинг устав фондига ўтказиб берилган маблағдан иборат.

Жамиятнинг 2022 йил 1 январь ҳолатига баланс бўйича активлар қиймати 307 507 100,0 минг сўми ташкил этган.

2021 йил якуни бўйича товар айланмаси 2 833 153,0 минг сўми, маҳсулот сотишнинг таннари 3 288 388,0 минг сўми ташкил этган.

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 1 069 487,0 минг сўми, молиявий фаолиятнинг даромадлари 10 532 299,0 минг сўми ташкил этган.

Давр харажатлари 7 094 553,0 минг сўми, шундан маъмурий бошқарув харажатлари 3 006 123,0 минг сўми, бошқа операцион харажатлар 4 088 430,0 минг сўми ташкил этган.

Молиявий фаолиятнинг харажатлари (салбий валюта курси) 517 175,0 минг сўми ташкил этган.

Жамиятнинг фойда солиғи тўлангунча фойдаси 3 534 823,0 минг сўми ташкил этган. 2021 йил давомида 492 499,0 минг сўм фойда солиғи тўланган. Жамиятнинг 2021 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича соф фойдаси 3 042 324,0 минг сўми ташкил этган.

Жамият молиявий ҳисоботлари МЧЖ шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

"Тарафдор" - 100%, 267 388 500 та овоз, "Қарши" - 0, "Бетараф" - 0.

6. Кун тартибидаги олтинчи масала (2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш, акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш) бўйича йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Жамият Кузатов кенгашининг йиғилишида жамият томонидан 2021 йил якуни бўйича олинган 3 042 324,0 минг сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлашини тавсия этилган ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган:

30,0 фоизини, яъни 911 749,6 минг сўми жамият захира фондига;

10,0 фоизини, яъни 304 232,4 минг сўми жамият Тафтиш комиссияси аъзолари ва меҳнат жамоасини моддий рағбатлантиришига;

60,0 фоизи, яъни 1 826 342,0 минг сўми дивиденд тўлашга.

Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлашини тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

Шунингдек, жамиятнинг 2021 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 6,83 сўм миқдорида дивиденд тўлашини ҳамда дивидендлар пул кўринишида қуйидаги тартибда акциядорларга тўлаб беришини таклиф қилди:

- дивидендлар акциядорларга уларни банк ҳисоб рақамларига тўлаб бериш;

- ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кун муддат ичида тўлаб бериш.

- дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2022 йил 27 июнь, тугатиш санаси 2022 йил 19 август этиб белгиланган.

Маъруза юзасидан саволлар бўлмади. Йиғилиш раиси Э.А.Кахоров ушбу масала бўйича акциядорларга овоз бериш учун мурожаат қилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

7. Кун тартибдаги еттинчи масала (*Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига 2021 йил фаолияти учун моддий рағбатлантириши миқдорини тасдиқлаш*) бўйича йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чикиб, жамият Кузатув кенгашининг йиғилиши қарорига мувофиқ 2021 йил фаолияти учун жамият Тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳар бирига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдорида (умумий йиғилиш қарор қабул қилинган санада) моддий рағбатлантиришини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

8. Кун тартибдаги саккизинчи масала (*Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш*) бўйича йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чикиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Жамиятнинг 266 215 500 дона (99,6%) оддий акцияларига эгаллик қилувчи акциядори сифатида “Leader Finance” МЧЖ томонидан 2022 йил 26 январдаги 17/01-сонли ва 2022 йил 31 майдаги 119-1/05-сонли хатлар билан жамият Кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар кўрсатилган.

1).Кахоров Эркин Азизжонович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари в.б.;

2).Аманов Илёс Сиддикович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари;

3).Тўраев Азамат Шухратович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари;

4).Хайдаров Жаҳонгир Холикулович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари;

5).Шеров Абдурахмон Сатторович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари в.б.;

6).Очилов Шухратилла Тоштемирович - “Агробанк” АТБнинг Корпоратив бошқарув хизмати бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига асосан Кузатув кенгаши аъзолигига берилган 6 нафар номзодларни акциядорларнинг умумий йиғилишида кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилди.

Жамият Уставига мувофиқ жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 8 кишидан иборатлиги белгиланган.

Ушбу номзодларни жамият Кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун кумулятив тарзда овоз беришини сўради.

Шунингдек, йиғилиш раиси Э.А.Кахоров жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича акциядорларга кумулятив овоз бериш тартибини батафсил тушунтириб берди.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

1).Кахоров Эркин Азизжонович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари в.б. – 267 388 500 та овоз;

2).Аманов Илёс Сиддикович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари – 267 388 500 та овоз;

3).Тўраев Азамат Шухратович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари – 267 388 500 та овоз;

4).Хайдаров Жаҳонгир Холикулович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари – 267 388 500 та овоз;

5).Шеров Абдурахмон Сатторович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари в.б. – 267 388 500 та овоз;

6).Очилов Шухратилла Тоштемирович - “Агробанк” АТБнинг Корпоратив бошқарув хизмати бошқармаси бошлиғи – 267 388 500 та овоз.

9. Кун тартибдаги тўққизинчи масала (Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш) бўйича йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Жамиятнинг 266 215 500 дона (99,6%) оддий акцияларига эгалик қилувчи акциядори сифатида “Leader Finance” МЧЖ томонидан 2022 йил 26 январдаги 17/01-сонли ва 2022 йил 31 майдаги 119-1/05-сонли хатлар билан жамият Тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар кўрсатилган.

1).Ботиров Салоҳиддин Бахтиёрович - “Агробанк” АТБнинг Инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази лойиҳаларни бошқариш бошқармаси бошлиғи;

2).Хайитбоев Музаффар Собирович - “Агробанк” АТБнинг Ўсимликлар ҳимояси ва томорқа фаолиятини қўллаб-қувватлаш департаменти директори;

3).Эгамов Илхом Бахтиярович - “Агробанк” АТБнинг Стратегик ривожлантириш мажмуаси Статистика ва таҳлил департаменти Банк статистика бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига асосан Тафтиш комиссияси аъзолигига берилган 3 нафар номзодларни акциядорларнинг умумий йиғилишида Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилди.

Жамият Уставига мувофиқ жамият Тафтиш комиссияси 3 кишидан иборатлиги белгиланган.

Ушбу номзодларни жамият Тафтиш комиссияси аъзолигига сайлаш учун овоз беришини сўради.

Ушбу номзодлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

1).Ботиров Салоҳиддин Бахтиёрович - “Агробанк” АТБнинг Инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази лойиҳаларни бошқариш бошқармаси бошлиғи.

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

2).Хайитбоев Музаффар Собирович - “Агробанк” АТБнинг Ўсимликлар ҳимояси ва томорқа фаолиятини қўллаб-қувватлаш департаменти директори;

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

3).Эгамов Илхом Бахтиярович - “Агробанк” АТБнинг Стратегик ривожлантириш мажмуаси Статистика ва таҳлил департаменти Банк статистика бошқармаси бошлиғи.

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

10. Кун тартибдаги ўнинчи масала (Жиззах вилояти, Зомин туманида барпо этилган интенсив боғ ва павловния плантациясини тадбиркорларга лизинга бериш, олди-сотди шартномаси асосида сотиш тўғрисида) бўйича жамият Бошқарув раиси Н.И.Бегматов сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сонли “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Жиззах вилояти Зомин туманида “Agro Finans Lizing” АЖГа интенсив боғ барпо этиш учун туман хокимлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 5004-сонли қарорига асосан Аччи СИУ ҳудудидан 200 гектар, 2020 йил 2 февралдаги 200-сонли қарорига асосан Молгузар СИУ ҳудудидан 93 гектар ва 2020 йил 25 сентябрдаги 1069-сонли қарорига асосан Ширин СИУ ҳудудидан 350,0 гектар, жами 643 гектар ер майдони ажратиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 15.01.2021 йилдаги 04-83хдфу-сонли топшириқ хатига асосан “Agro Finans Lizing” АЖ томонидан худудларда кишлок хўжалигида замонавий технологияларга асосланган инвестиция лойihalари молиялаштиб, яратилган тайёр бизнесни турли молиявий воситалар (кредит, лизинг) асосида тадбиркорларга тақдим этиш механизмини жорий қилиш, хусусан 2021-2022 йилларда Жиззах вилоятида 2,5 минг гектар лалми майдонда сув тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда, интенсив боғлар барпо этиш ва лойихани амалга оширишга 314.0 млрд сўм маблағ йўналтирилиши ҳамда 325 та ойла аъзолари доимий иш билан таъминланиши, барпо этилган интенсив боғлар тадбиркорларга кредит ва лизинг асосида тайёр бизнес ҳолатида берилиши кўрсатиб ўтилган.

“Агробанк” АТБ Бошқарувининг 2021 йил 15 февралдаги 22/2-сонли қарорида “Leader Finance” МЧЖнинг устав капиталини ошириши ва устав капиталини ошириши учун ажратилган маблағлар ҳисобидан “Agro Finans Lizing” АЖ интенсив боғларини барпо этилиши ҳамда ушбу маблағларни кейинчалик жамият устав фондини оширишга йўналтирилиши белгиланган.

Ушбу қарорга асосан “Leader Finance” МЧЖ томонидан “Agro Finans Lizing” АЖнинг устав фондига интенсив боғ барпо этиш учун 200,0 млрд.сўм маблағ ўтказиб берилган.

Жамиятимиз томонидан ушбу маблағлар ҳисобидан Аччи СИУ ҳудудида 186,4 гектар ва Ширин СИУ ҳудудида 324 гектар ер майдонига интенсив боғ ҳамда Молғузар СИУ ҳудудидан 93 гектар ер майдонига павловния плантацияси барпо этилди.

Бугунги кунда интенсив боғ ва павловния плантацияга барпо этишга 190,0 млрд. сўм маблағ сарфланди ва 220 та ишсиз аҳоли доимий (мавсумий 300 та аҳоли) иш билан таъминланди.

“Agro Finans Lizing” АЖ томонидан туман аҳолисини ойлавий тадбиркорликни ривожлантириш ва доимий даромад манбайини яратиш мақсадида яратилган тайёр бизнесни, тадбиркорларга лизинг асосида тақтим этиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.01.2020 йилдаги 52-сонли “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида “Интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида беришни молиялаштириш манбалари сифатида тижорат банкларининг оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли қарори асосида “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастури доирасида ажратиладиган кредитлар ҳамда Жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга ошириш кўрсатиб ўтилган.

Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил 25 майдаги йиғилишида жамиятнинг Жиззах вилояти, Зомин туманида барпо этилган интенсив боғ ва павловния плантациясини тадбиркорларга йиллик 14 фоиз устама билан лизинга бериш, олди-сотди шартномаси асосида сотиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг умумий йиғилишига киритилиши тўғрисида қарор қабул қилинганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чиқиб, жамиятнинг Жиззах вилояти, Зомин туманида барпо этилган интенсив боғ ва павловния плантациясини “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойihalарни молиялаштириш” манбалари ҳисобидан талабгор тадбиркорларга қонунчиликда ўрнатилган тартибда йиллик 14 фоиз устама билан лизинга бериш, олди-сотди шартномаси асосида сотиш тўғрисидаги таклифини тасдиқлашини сўради.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

11. Кун тартибдаги ўн биринчи масала (*Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш*) бўйича жамият Бошқарув раиси Н.И.Бегматов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини ва жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ҳамда тасдиқлаб беришини сўради.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чиқиб, “AGRO FINANS LIZING” АЖнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

12. Кун тартибдаги ўн иккинчи масала (*Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни маъқуллаш*) бўйича жамият Бошқарув раиси Н.И.Бегматов сўзга чиқиб, кўйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 85-моддасига кўра жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилади.

Шунингдек, жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилади.

Қонунининг 88-моддасига кўра жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Шунга кўра, жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши кутилаётган битимларни маъқуллаш масаласи акциядорлардан сўралмоқда.

Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши кутилаётган битимлар рўйхати илова қилинади.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Э.А.Кахоров сўзга чиқиб, “AGRO FINANS LIZING” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши кутилаётган битимлар рўйхатини тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

Кун тартибда кўриб чиқилган масалалар бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда овоз бериш натижаларига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1.Жамият Кузатув кенгаши раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият Бошқарув раисининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

3. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан МЧЖ шаклидаги “XB FINANCE KONSULTING” аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

4.1. Жамият Тафтиш комиссияси томонидан ўтказилган текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш жамият Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

5. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисобварағи тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган 3 042 324,0 минг сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 30,0 фоизини, яъни 911 749,6 минг сўми жамият захира фондига;
- 10,0 фоизини, яъни 304 232,4 минг сўми жамият Тафтиш комиссияси аъзолари ва меҳнат жамоасини моддий рағбатлантиришига;
- 60,0 фоизи, яъни 1 826 342,0 минг сўми дивиденд тўлашга.

Жамиятнинг 2021 йил соф фойдаси ҳисобидан ҳар бир дона жойлаштирилган оддий акция учун 6,83 сўм миқдорида дивиденд тўлансин:

- дивидендлар акциядорларга уларни банк ҳисоб рақамларига тўлаб берилсин;
- ҳисобланган дивидендлар, дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кун муддат ичида тўлаб берилсин;
- дивидендлар тўлашни бошлаш санаси 2022 йил 27 июнь, тугатиш санаси 2022 йил 19 август этиб белгилансин.

7. 2021 йил фаолияти учун жамият Тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳар бирига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдорида (умумий йиғилиш қарор қабул қилинган санада) моддий рағбатлантирилсин.

8. Жамият Кузатув кенгаши таркибига қуйидагилар сайлансин:

- 1). Кахоров Эркин Азизжонович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари в.б.;
- 2). Аманов Илёс Сиддиқович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари;
- 3). Тўраев Азамат Шухратович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари;
- 4). Хайдаров Жаҳонгир Холикулович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари;
- 5). Шеров Абдурахмон Сатторович - “Агробанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари в.б.;
- 6). Очиллов Шухратилла Тоштемирович - “Агробанк” АТБнинг Корпоратив бошқарув хизмати бошқармаси бошлиғи.

9. Жамият Тафтиш комиссияси таркибига қуйидагилар сайлансин:

- 1). Ботиров Салоҳиддин Бахтиёрович - “Агробанк” АТБнинг Инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази лойиҳаларни бошқариш бошқармаси бошлиғи;
- 2). Хайитбоев Музаффар Собирович - “Агробанк” АТБнинг Ўсимликлар химояси ва томорқа фаолиятини қўллаб-қувватлаш департаменти директори;
- 3). Эгамов Илхом Бахтиярович - “Агробанк” АТБнинг Стратегик ривожлантириш мажмуаси Статистика ва таҳлил департаменти Банк статистика бошқармаси бошлиғи.

10. Жамиятнинг Жиззах вилояти, Зомин туманида барпо этилган интенсиф боғ ва павловния плонтациясини “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш” манбалари ҳисобидан талабгор тадбиркорларга қонунчиликда ўрнатилган тартибда йиллик 14 фоиз устама билан лизинга бериш, олди-сотди шартномаси асосида сотиш тўғрисидаги таклифи тасдиқлансин.

11. “AGRO FINANS LIZING” АЖнинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

12. “AGRO FINANS LIZING” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик

умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши кутилаётган битимлар рўйхати 1-иловага мувофик тасдиқлансин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси Э.А.Кахоров акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Баённома 2022 йил 24 июнда тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси

Э.А.Кахоров

Йиғилиш котиби

Н.А.Умбетова